

“КЕЛИШИЛГАН”
Ўзбекистон Баскетбол
Федерацияси бош қотиби



Р.Ганиев

_____ 20 ____ йил

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Жисмоний тарбия ва спорт вазирининг
биринчи ўринбосари



Р.Ирматов

“ ” _____ 20 ____ йил

Спортнинг баскетбол тури бўйича 2021 йилда
Ўзбекистон чемпионатлари, Ўзбекистон кубоги ҳамда
Республика турнири мусобақалари ўтказиш тўғрисида

НИЗОМИ

Тошкент-2021

**Спортнинг баскетбол тури бўйича Ўзбекистон
чемпионатлари ва Ўзбекистон кубоги ҳамда Республика турнири
мусобақаларини ўтказиш тўғрисида**

НИЗОМИ

Мазкур Низом баскетбол спорт тури бўйича республика спорт мусобақасининг (бундан буён матнда мусобақа деб юритилади) мақсади ва асосий вазифалари, спорт мусобақалари жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, уларни ўтказишга раҳбарлик қилиш, уни молиялаштириш, шунингдек мусобақа чемпион, ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тартибини белгилайди.

I-боб. Умумий қоидалар

1. Мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятларда ўтказилган мусобақаларда чемпион, ғолиб ва совриндор бўлган, шунингдек, туман - шаҳар жамоалари, баскетбол клублари ва ҳуқуқни химоя қилувчи орган ходимларидан шаклланган терма жамоалар иштирок этишлари мумкин.

Мусобақалар халқаро баскетбол федерацияси (ФИБА) томонидан ўрнатилган қоидаларга кўра:

а) Ўзбекистон чемпионати:

- катталар, ёшлар, ўсмирлар ва ўсмир қизлар;
- болалар-ўсмирлар спорт мактаблари;
- спорт ташкилотлари ва жамиятлари (ЎР МВ СМ, Касаба уюшмалари спорт жамияти, “Ёшлик” КСЖ, “Талаба” КСЖ, спорт клублари) ўртасида;

б) Ўзбекистон кубоги:

- катталар, ёшлар, ўсмирлар ва ўсмир қизлар ўртасида ўтказилади ва ҳакамлар хайъати томонидан баҳоланади.

Мусобақани ўтказиш учун ҳакамлар таркиби Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги (бундан буён матнда вазирлик деб юритилади) томонидан тасдиқланади.

2. Мусобақаларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилинади.



II-боб. Мусобақанинг мақсад ва вазифалар

3. Мусобақанинг мақсади болалар ва ўсмирларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, баскетбол спорт турини оммалаштириш ва уни янада ривожлантириш, республикада баскетбол спорт тури оммавийлигини янада ошириш, халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этувчи кучли ва иқтидорли спортчиларни аниқлаш, Олимпиада, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ҳамда халқаро мусобақаларда ватанимиз, халқимиз ғурури ва шаънини муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларни тайёрлаш;

4. Мусобақанинг вазифаси Республика ҳудудлари ва спорт ташкилотларида турли ёш гуруҳларидаги баскетбол спорт тури бўйича спортчиларнинг тайёргарлик даражасини аниқлаш ва уларни саралаб олиш, баскетбол спорт тури бўйича профессионал спортчи, тренер ва ҳакамларнинг малакасини ошириш, халқаро талабларга жавоб берадиган спорт мутахассисларини тайёрлаш, баскетбол бўйича терма жамоалар спорт заҳираси таркибини юқори малакали спортчилар билан таъминлаш.

III-боб. Мусобақани ўтказишга раҳбарлик

5. Мусобақани ўтказишга умумий раҳбарлик вазирлик томонидан ҳамда бевосита раҳбарлик қилиш Ўзбекистон баскетбол федерацияси (бундан буён матнда федерация деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

6. Мусобақани ўтказиш учун ҳакамлар ҳайъати рўйхати Ўзбекистон баскетбол федерация томонидан тавсия этилган ҳолда Спорт ўйинлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби (бундан буён матнда РОСММ деб юритилади) орқали вазирликка тақдим этилади ва Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.

7. Мусобақани адолатли ва шаффоф ҳолда ўтказилиши ҳакамлар ҳайъати зиммасига юклатилади.

8. Мусобақада иштирок этувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва расмийлаштириш федерация томонидан шакллантирилган мусобақа мандат комиссияси томонидан амалга оширилади.

9. Мусобақа даврида иштирокчилар ва томошабинлар хавсизлигини таъминлаш чораларини кўриш, тегишли идоралар ва ташкилотлар билан келишилган ҳолда федерациянинг ҳудудий бўлимлари (мусобақа қаерда ўтказилишига қараб) томонидан амалга оширилади.



IV-боб. Мусобақани ўтказиш жойи ва муддати

10. Мусобақа Республика ҳудудида амалдаги халқаро баскетбол федерацияси (ФИФА) (бундан буён матнда халқаро баскетбол федерацияси деб юритилади) қоидалари асосида ўтказилади.

11. Вазирликнинг 2021 йил учун спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режасига асосан расмий мусобақалар мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ 2021 йил давомида спортнинг баскетбол тури бўйича республика ҳудудида ўтказилиши режалаштириладиган мусобақалар рўйхати, спорт турининг хусусияти ва даражасидан келиб чиққан ҳолда мусобақа дастурлари мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ амалга оширилади.

12. Мандат комиссияси фаолиятини мусобақа ўтадиган жойда мусобақанинг биринчи кунидан бошлайди. Иш вақти 2-иловада кўрсатиб ўтилади.

V-боб. Мусобақада иштирок этиш шартлари

13. Ёсмирлар ва қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионатларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардан бир жамоа иштирок этишига рухсат берилади. Миллий чемпионатда жамоалар сони чекланмаган, бир вилоят ёки ҳудуддан бир неча жамоалар иштирок этилиши мумкин. Ўзбекистон кубоги ва Ўзбекистон (очик) турнирлари бундан мустасно.

14. Мусобақанинг ёш тоифаси баскетбол спорт тури йўналишлари халқаро баскетбол федерацияси томонидан тасдиқланган норма ва талабларга кўра амалга оширилади.

15. Мусобақа ҳакамлари, тиббиёт ходимлари мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги мусобақа ҳакамлари ва ишчи ходимларининг таркибида кўрсатилади.

16. Мусобақада иштирок этиш учун ҳар бир ёш тоифаси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри жамоалари, Ихтисослаштирилган болалар-ёсмирлар спорт мактаблари, Болалар-ёсмирлар спорт мактаблари, Олимпия заҳиралари мактаб интернати ҳамда клублар жамоалари этишлари мумкин;

Ўзбекистон чемпионати ва кубоги мусобақаларига жамоа таркибида иштирок этиш учун 15 нафар спортчи, 2 нафар тренер, 1 нафар ҳакам рухсат этилади;

ФИФА 3 x 3 баскетбол бўйича ўтказиладиган мусобақаларга 4 нафар спортчи, 1 нафар тренер, 1 нафар ҳакам рухсат этилади. (Ўзгариш бўлиши ҳам мумкин).



Мусобақаларда иштирок этадиган жамоа аъзолари 2 жуфт ўйин формаси билан таъминланган бўлиши керек;

Алоҳида ҳолларда тегишли техник тайёргарликдан ўтган, шифокор томонидан рухсат берилган тақдирда, ёш спортчилар катта ёшли спортчилар жамоаси таркибида мусобақаларда иштирок этишлари мумкин.

Жамоалар йиллик бадаллар тўловини амалга оширганларидан сўнг уларнинг мусобақада иштирок этишларига рухсат берилади.

17. Мусобақалар давомида ҳакамлар ва тренерлар йиғилганидан фойдаланиб юқори малакали мутахассислар томонидан семинар ва мастер-класслар ўтказилади.

VI-боб. Мусобақани ўтказиш шартлари

18. Ўзбекистон Миллий Чемпионати Олий ва биринчи лигалар ҳамда кубоклари эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказилади;

Янги мавсумнинг бошланишидан олдин, яъни олдинги мавсумда иштирок этмаган жамоа шакилланиб, Миллий Чемпионатда иштирок этишга давогарлик қилса, ушбу жамоанинг ёзма аризаси мусобақалар ўтказиш Регламентига асосан федерациянинг ижроия қўмитаси томонидан ўрганилиб, ижойиб ёки салбий қарор чиқариши мумкин;

Мусобақаларни ўтказиш тизими, услуби иштирок этаётган жамоалар сонидан келиб чиқган ҳолда тасдиқланган ҳакамлар ҳайъати томонидан спорт иншоотининг имкониятини инобатга олиб танланади ва тасдиқланади;

Мусобақалар турлардан ташкил қилинган бўлса, охириги тур “плей-офф” тизими бўйича ўтказилади.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон “Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тадбирини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўрисида”ги қарорига асосан ташкил этилади.

20. Мусобақани ўтказиш Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг буйруғи билан тасдиқланган мусобақанинг бош ҳаками зиммасига юклатилади.

21. Мусобақа ҳакамларининг вазифалари халқаро баскетбол федерацияси (ФИБА) қоидалари асосида белгиланади.

22. Мусобақада ҳакамлар ҳайъатининг сони мазкур Низом 3-иловасига мувофиқ белгиланади.



23. Мусобақа низомининг тегишли бандларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда мусобақанинг бошланишидан 3 кун олдин мусобақа иштирокчиларига тақдим этилади.

VII-боб. Мусобақада иштирок этиш учун талабнома (буюртма)ларни топшириш шартлари

24. Мусобақагаларга талабнома (буюртма)лар тақдим этиш мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ мандат комиссиясига тақдим қилинади.

25. Мусобақада иштирок этувчи спортчилардан мандат комиссиясига қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

а) спортчи паспорти ёки фуқаро паспорти (асли кўрсатилади);

б) суғурта варақаси;

г) ҳудудий жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси билан келишилган ҳамда ҳудудий федерациялар, сафарга юборувчи ташкилот ва хомийлар томонидан шифокор рухсати билан тасдиқланган талабнома (буюртма).

26. Мусобақада иштирок этиш учун талабнома (буюртма) мазкур низомнинг 4 - иловасига асосан, мусобақа бошланишидан 5 кун олдин тегишли электрон манзилга (телефон рақам: +99890-949-30-79, basketuz@mail.ru) топширилади.

27. Мусобақага келиш куни талабномаларнинг асл нусхаси мусобақада иштирок этувчи жамоа вакили томонидан мандат комиссиясига тақдим этилади.

VIII-боб. Мусобақани молиялаштириш манбалари

28. Мусобақа ўтказилишининг молиялаштириш шартлари:

Мусобақа ўтказилишининг молиялаштириш шартлари:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 апрелдаги "Терма жамоалар ҳамда уларнинг захирасини спорт мусобақаларига тайёрлашни, шунингдек уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида"ги 121-сон қарори билан тасдиқланган "Терма жамоалар ҳамда уларнинг захираси спортчилари ва тренерларининг энергия сарфларини қоплашга ва жисмоний ресурсларини тиклаш учун мақсадли пул (молиявий) маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисида"ги НИЗОМнинг 18 ва 19 бандларига асосан сарф - харажатлар вазирлик томонидан, айрим ҳолларда спорт федерация (ассоциация) ва хомийлар томонидан қопланиши мумкин. мусобақанинг иштирокчилари - спортчилар, тренерларнинг овкатланиши, ётоқхона ва йўл харажатлари сафарга юборган ташкилотлар томонидан қопланади.



29. Мусобақани молиялаштирилиши юзасидан ушбу Низомнинг молиялаштириш шартларига вазирлик томонидан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

IX-боб. Мусобақа ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш

30. Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 27 апрелдаги "Терма жамоалар ҳамда уларнинг захирасини спорт мусобақаларига тайёрлашни, шунингдек уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тугрисида"ги 121-сон қарори билан тасдиқланган "Терма жамоалар ҳамда уларнинг захираси спортчилари ва тренерларининг энергия сарфларини қоплашга ва жисмоний ресурсларини тиклаш учун мақсадли пул (молиявий) маблағларини сарфлаш тартиби тўғрисида"ги НИЗОМнинг 18 ва 19 бандига асосан вазирлик томонидан, айрим ҳолларда спорт федерация (ассоциация) ва ҳомийлар томонидан тақдирланиши мумкин. Мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари вазирлик томонидан тасдиқланган I, II, ва III даражали тегишли дипломлар ва медаллар билан тақдирланади.

31. Мусобақа ғолиби ва совриндорлари вазирлик, хомий ташкилотлар ва федерация таъсис этган кубок ҳамда эсталик совғалари билан тақдирланиши мумкин.

X-боб. Якуний натижалар таҳлили


32. Федерация ўтказилган мусобақа тўғрисида вазирлик томонидан тасдиқланган ҳисобот шакли бўйича вазирликка мусобақа тугагандан сўнг 3 кун муддат ичида мусобақанинг якуний натижалари юзасидан таҳлилий маълумот тақдим этилади.

**Спорт ўйинлари бўйича
Республика олий спорт маҳорати
мактаби директори**



Ж.А.Акрамов

**Ўзбекистон баскетбол
Федерацияси бош котиби**



Р.М.Ганиев

**Эркаклар терма жамоаси бош
тренери**

Б.М.Мирадилов

**Аёллар терма жамоаси бош
тренери**



С.С.Лебедев